

Закотни бенамоз мусулмонга бериш жоизми?

21:11 / 24.04.2016 3370

Муҳтарам шайх ҳазратлари, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни ва Аллоҳ йўлидаги самимий муҳаббатимни қабул қилгайсиз.

Ҳурматли устоз, рухсат берсангиз, менинг ҳам сизга бир неча саволларим бор эди. Улардан айримларини шу китоб орқали сиздан сўраб, иншааллоҳ, жавоб олсам.

Аллоҳ таоло муяссар қилиб бу йил молим нисобига етган эди, мен бу қарзимни қариндошларимдан бир муҳтож кишига бердим. Аммо, бир биродаримиз менга: «Хайру садақани сиз берган муҳтож кишига бериш мумкин, ваҳоланки, у ибодат қилмаса-да, Аллоҳ қайтарган мункар ишларни қилиб юрган бўлса-да. Лекин фарз амал бўлган закотни ибодатда юрган, мункар ишларни қилмайдиган мўмин биродаримизга бермоқ керак», деб берган закотимнинг қабул бўлишига шубҳа билдирди. Шу гап асослими?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Закотни мусулмон бўлмаган кишига бериб бўлмайди. Сиз айтган каби бенамоз мусулмонга закот бериш ҳақида бироз мулоҳаза бор. Агар закотга намозхон ва бенамоз давогар бўлиб қолса, намозхон устин кўрилади. Бенамозга закот беришда уни намозга чорлаш тавсия этилади. Сизнинг берган закотингиз, агар ыандайдир шахсий манфаатингизни кўзламаган бўлсангиз ҳисобга ўтади ва унинг ўринли бўлиши умид қилинади. Валлоҳу аълам.